

ALISHER NAVOIY

INTERNATIONAL JOURNAL

*A. Navoiy tavalludining 581 yillik
yubileyiga bag'ishlanadi*



TOSHKENT-2022

ISSN 2181-1490

Doi Journal 10.26739/2181-1490

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ



Tadjqiqot.uz



TOSHKENT-2022



**ALISHER NAVOIYNING 581 YILLIK
YUBILEYIGA BAG'ISHLANADI****ПОСВЯЩАЕТСЯ 581 ЛЕТНОМУ
ЮБИЛЕЮ АЛИШЕРА НАВОИ****DEDICATED TO THE 581th ANNIVERSARY
OF THE BIRTH OF ALISHER NAVOI**

Buyuk shoir va mutafakkir, atoqli davlat va jamoat arbobi Alisher Navoiyning bebaho ijodiy-ilmiy merosi nafaqat xalqimiz, balki jahon adabiyoti tarixida, milliy madaniyatimiz va adabiy-estetik tafakkurimiz rivojida alohida o'rin tutadi. Ulug' shoir o'zining she'riy va nasriy asarlarida yuksak umuminsoniy g'oyalarni, ona tilimizning beqiyos so'z boyligi va cheksiz ifoda imkoniyatlarini butun jozibasi va latofati bilan namoyon etib, yer yuzidagi millionlab kitobxonlar qalbidan munosib va mustahkam o'rin egalladi.

***O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev***

Бесценное творческое и научное наследие великого поэта и мыслителя, известного государственного и общественного деятеля Алишера Навои играет важную роль в истории не только отечественной, но и мировой литературы, развитии национальной культуры и литературно-эстетического мышления. В своих лирических и прозаических произведениях великий поэт, воспевая высокие общечеловеческие идеи, демонстрировал богатый лексический запас и выразительные средства родного языка, благодаря чему занял достойное место в сердцах миллионов читателей по всему миру.

***Президент Республики Узбекистан
Шавкат Миромонович Мирзиёев***

The invaluable creative and scientific heritage of the great poet and thinker, famous statesman and public figure Alisher Navoi has a special place not only in the history of our people, but also in the history of world literature, the development of our national culture and literary and aesthetic thinking. The great poet, in his poetic and prose works, with his whole charm and grace, has taken a worthy place in the hearts of millions of readers around the world, expressing the high universal ideas, the incomparable richness of words and the infinite possibilities of expression of our native language.

***President of the Republic of Uzbekistan
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev***



ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

Bosh muharrir:

Mirzayev Ibodulla*f.f.d., professor
(O'zbekiston)*

Bosh muharrir o'rinbosari:

Jabborov Nurboy*f.f.d., professor
(O'zbekiston)*ALISHER NAVOIY
XALQARO JURNALI HAY'AT A'ZOLARI:**Muhiddinov Muslihiddin***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Sirojiddinov Shuhrat***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Haqqulov Ibrohim***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Rasulov Ravshanxo'ja***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dilorom Salohiy***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Sodiqov Qosimjon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Mark Tutan***f.f.d., professor (Fransiya)***Binnatova Almaz Ulvi***f.f.d., professor (Ozarbayjon)***To'xlijev Boqijon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Shodmonov Nafas***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Ramiz Asker***f.f.d., professor (Ozarbayjon)***Yo'ldoshev Qozoqboy***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Jo'raqulov Uzoq***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Vohid Turk***f.f.d., professor (Turkiya)***Nabiulina Guzal***f.f.d., professor (Tatariston)***Ibrohim Xudoyor***f.f.d., (Eron)***Yusupova Dilnavoz***f.f.d., dotsent (O'zbekiston)***Rahim Ibrohim***f.f.d., professor (Afg'oniston)***Mirzayev Rahmatilla***y.f.n., dotsent, huquqshunos (O'zbekiston)***Muhitdinova Badia***f.f.n.dotsent (O'zbekiston)***Ruzmanova Roxila***dots., mas'ul kotib (O'zbekiston)***Narziyeva Ma'mura***kotib, o'qituvchi (O'zbekiston)*ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI ILMIY
MASLAHAT KENGASHI A'ZOLARI:**Toshqulov Abduqodir***i.f.d., (O'zbekiston)***Xalmuradov Rustam***t.f.d., professor (O'zbekiston)***Eshqobil Shukur***O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan
madaniyat xodimi, shoir (O'zbekiston)***To'xtasinov Ilhom***p.f.d. (O'zbekiston)***Rixsiyeva Gulchehra***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Benedek Peri***f.f.d., professor (Vengriya)***Ko'chiyev Ismat***publisist, O'zbekiston va Belorussiya yozuvchilar
uyushmasi a'zosi (O'zbekiston)***Olimov Karomatillo***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dadaboyev Hamidulla***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Aitpayeva Gulnora***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Rahmonov Nasimxon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Shomusarov Shorustam***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dyu Rye Andre***f.f.d., professor (Fransiya)***Pervin Chapan***f.f.d., professor (Turkiya)***Safarov Renat***f.f.d., professor (Tatariston)***Hamroyev Juma***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Ibrohimov Elchin***f.f.n., professor (Ozarbayjon)***Jo'rayev Shokirjon***F-m.f.d., professor (O'zbekiston)***Hasanov Shavkat***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Nurullo Oltoy***f.f.n., (Afg'oniston)***Xalliyeva Gulnoz***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Alim Labib***f.f.d., professor (Afg'oniston)***Nodira Afoqova***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Aftondil Erkinov***f.f.d., professor (O'zbekiston)*

**Главный редактор:**

Мирзаев Ибадулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Жабборов Нурбой
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**ЧЛЕНЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА
АЛИШЕРА НАВОИ:**

Мухиддинов Муслихиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Сирожиддинов Шухрат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Хаккулов Иброхим
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Расулов Равшанхужа
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилором Салохий
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Содиков Косимжон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Марк Тутан
д.ф.н., профессор (Франция)
Биннатова Алмаз Улви
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Тухлиев Бокижон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шодмонов Нафас
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рамиз Аскер
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Юлдашев Казакбай
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Журакулов Узок
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Вохид Турк
д.ф.н., профессор (Турция)
Набиулина Гузаль
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Иброхим Худоев
д.ф.н., (Иран)
Юсупова Дилнавоз
д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рахим Иброхим
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Мирзаев Рахматилла
к.ю.н., доцент (Узбекистан)
Мухитдинова Бадиа
к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рузманова Рохила
доц., отв. секретарь (Узбекистан)
Нарзиева Мамура
секретарь, преподаватель (Узбекистан)

**ЧЛЕНЫ НАУЧНОГО КОНСУЛЬТАТИВНОГО
СОВЕТА МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА
АЛИШЕРА НАВОИ:**

Тошкуллов Абдукодир
к.э.д., (Узбекистан)
Халмурадов Рустам
д.т.н., профессор (Узбекистан)
Эшкobil Шукур
Заслуженный работник культуры Республики
Узбекистан, поэт (Узбекистан)
Тухтасинов Илхам
д.п.н. (Узбекистан)
Рихсиева Гулчехра
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бенедек Пери
д.ф.н., профессор (Венгрия)
Кочиев Исмаи
Публицист, член Союза писателей Узбекистана и
Беларуси (Узбекистан)
Олимов Кароматилло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дадабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Айтпаева Гулнора
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рахмонов Насимхон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шомусаров Шорустам
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дю Рье Андре
д.ф.н., профессор (Франция)
Первин Чапан
д.ф.н., профессор (Турция)
Сафаров Ренат
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Хамроев Джума
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Иброхимов Элчин
к.ф.н., профессор (Азербайджан)
Джураев Шокирджон
д.ф.-м. н., профессор (Узбекистан)
Хасанов Шавкат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нурулло Олтой
к.ф.н., (Афганистан)
Халлиева Гулноз
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Алим Лабиб
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Нодида Афокова
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Афтондил Эркинов
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Chief Editor:****Mirzaev Ibodulla***Doc. of philol. scien., professor (Uzbekistan)***Deputy Chief Editor:****Jabborov Nurboy***Doc. of philol. scien., professor (Uzbekistan)*

**MEMBERS OF EDITORIAL BOARD OF
INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER
NAVOI:**

Mukhiddinov Muslikhiddin*Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Sirojiddinov Shukhrat***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Khakkulov Ibrokhim***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Rasulov Ravshankhuja***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dilorom Salokhiy***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Sodikov Kosimjon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Mark Tutan***Doc. of philol. scien., prof. (France)***Binnatova Almaz Ulvi***Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Tukhliev Bokijon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Shodmonov Nafas***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Ramiz Asker***Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Yuldoshev Kozokboy***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Jurakulov Uzok***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Vokhid Turk***Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)***Nabiulina Guzal***Doc. of philol. scien., prtof. (Tatarstan)***Ibrokhim Khudoyor***Doc. of philol. scien., (Iran)***Yusupova Dilnavoz***Doc. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Rakhim Ibrokhim***Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)***Mirzayev Rahmatilla***Cand. of legal scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Mukhitdinova Badia***Cand. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Ruzmanova Rokhila***Assoc. prof., Exec. Sec. (Uzbekistan)***Narziyeva Ma'mura***Secretary, teacher (Uzbekistan)*

**MEMBERS OF SCIENTIFIC ADVISORY BOARD
OF INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER
NAVOI:**

Toshkulov Abdukodir*Doc. of econ. scien., (Uzbekistan)***Khalmuradov Rustam***Doc. of technic. scien., prof. (Uzbekistan)***Eshqobil Shukur***Honored Worker of Culture of the Republic of Uzbekistan, poet (Uzbekistan)***Tukhtasinov Ilkhom***Doc. of pedag. scien. (Uzbekistan)***Rikhsieva Gulchekhra***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Benedek Peri***Doc. of philol. scien., prof. (Hungary)***Kochiyev Ismat***Publicist, member of the Writers' Union of Uzbekistan and Belarus (Uzbekistan)***Olimov Karomatullo***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dadaboev Khamidulla***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Aitpaeva Gulnora***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Rakhmonov Nasimxon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Shomusarov Shorustam***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dyu Rye Andre***Doc. of philol. scien., prof. (France)***Pervin Chapan***Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)***Safarov Renat***Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)***Khamroev Juma***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Ibrokhimov Elchin***Cand. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Juraev Shokirjon***Doc. of phys.-math. scien., prof. (Uzbekistan)***Khasanov Shavkat***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Nurullo Oltoy***Cand. of philol. scien., (Afghanistan)***Khallieva Gulnoz***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Alim Labib***Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)***Nodira Afokova***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Aftondil Erkinov***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Саҳифаловчи: Абдулазиз Мухаммадиев****Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**ООО Tadqiqot город Ташкент,
улицв Амира Темура пр. 1, дом-2.Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uzTadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr. 1, House 2.Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI

1. Bayram BİLİR

ORHUN YAZITLARINDA VE ALİ ŞİR NEVAİ'NİN İLK DİVANINDA OLUMLU TİP KAVRAMLAR	9
--	---

NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI

2. Ozan Yılmaz

ALİ ŞİR NEVÂ'YÎ'NİN HAMSESİNDE EMÎR HÜSREV-İ DEHLEVÎ'YE DAİR GÖRÜŞLERİ	15
--	----

3. Эркинов Афтондил

АЛИШЕР НАВОИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ БУТУНЖАҲОН ФЕҲРЕСТИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАСИ	29
---	----

HAQIQAT SARI SAFAR

4. Muslikhiddin Kutbiddinovich Mukhiddinov

IMAGE OF THE PROPHET	36
----------------------------	----

5. Қозоқбой Йўлдош

ТЕРАН ТУЙГУЛАРНИНГ ЖОНЛИ МАНЗАРАЛАРИ	45
--	----

MA'RIFAT YOG'DUSI

6. Салоҳий Дилором Исомиддин қизи

НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОН ВА ИЖТИМОИЙ ЖАМИЯТ АХЛОҚИ МАВЗУСИ	50
--	----

7. Жабборов Нурбой Абдулҳакимович

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА “АҲЛИ МАОНИЙ” ТУШУНЧАСИНИНГ ЎРНИ ВА ИРФОНИЙ МОҲИЯТИ	55
--	----

8. Нафас Шодмонов

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИДАГИ “КЎЗГУ” ТИМСОЛИНИНГ НАВОИЁНА ТАЛҚИНИ	65
--	----

9. Асрорхон Аббосов

НАВОИЙ ҲАЗРАТЛАРИ ЎРГАНГАН АСАРЛАР: “САҲИҲИ БУХОРИЙ” ДА ОДОБ-АХЛОҚҚА ДОИР ҲАДИСЛАР	78
--	----

ASLIYAT UMMONI

10. Bertels Y.E.

NAVOIY VA ATTOR. Rus tilidan I.K.Mirzayev tarjiması (parcha)	83
--	----

TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O'ZBEK ADABIYOTI

11. Уралов Ахтам Синдарович, Холдоров Хусан Нортोजиевич

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ҲУСАЙН БОЙҚАРО ДАВРИ БОҒЛАРИ	95
---	----

12. Холиқов Умиджон Қўчқарович, Холиқова Сайёра Қўчқаровна

НАВОИЙ ДАВРИДА ШАХМАТ ЎЙИНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН	103
--	-----

NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI

13.Қобилов У. У.

“ЮСУФНОМА” МАВЗУСИ ВА УНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДАГИ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИГА ДОИР.....109

14.Холйигит Холмуродов

МУМТОЗ АДАБИЁТДА ФАРҲОД ОБРАЗИ ГЕНЕЗИСИ ВА УНИНГ НАВОИЙ
ШЕЪРИЯТИДА ИФОДАЛАНИШ АНЪАНАЛАРИ.....118

15.Murat ŞAHİN

ALİ ŞİR NEVÂÎ’NİN “MAHBÛBU’L KULÛB” ADLI ESERİNİN DEĞERLER
AÇISINDAN İNCELENMESİ.....124

ILM, OLAM VA OLIM

16.Ernazarova Iroda Shavkatovna

ESHQOBIL SHUKUR – NAVOIYGA MUNOSIB IZDOSH.....134

17.Eshnazarov Sulaymon Qulmuhammad o‘g‘li

ALISHER NAVOIYNING “SAB’AT UL-ABHUR” ASARI
LUG‘ATSHUNOSLIKDA NODIR MANBA SIFATIDA.....140

TALQIN, TAHLIL VA TAQRIZ

18.O‘ngalova Guldasta

Y.E.BERTELS NAVOIY IJODI TADQIQOTCHISI.....144

NAVOIY VA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI

19.Сирдарёхон Ўтанова

ИНСОН АХЛОҚИНИНГ РАНГЛИ МАНЗАРАЛАРИ.....151

20.Gulchehra Ahatova

“MAHBUB UL-QULUB” ASARINING BUGUNGI YOSHLARDA MA’NAVIY SIFATLAR
SHAKLLANTIRISHDAGI O‘RNI.....157

**AZIZ MUSHTARIY!**

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning "Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligini keng nishonlash to'g'risida"gi PQ-4865-son Qarorida "Alisher Navoiy asarlarida teran ifoda topgan milliy va umuminsoniy g'oyalarning jahon tamaddunida tutgan o'rnini hamda o'sib kelayotgan yosh avlodning intellektual salohiyatini oshirish, ular qalbida yuksak axloqiy fazilatlarni tarbiyalashdagi beqiyos ahamiyatini nazarda tutib, shuningdek, ulug' shoir va mutafakkirning adabiy-ilmiy merosini mamlakatimizda va xalqaro miqyosda yanada chuqur tadqiq qilish va keng targ'ib etish..." lozimligi alohida ta'kidlangan.

Bu filologiya ilmi va navoiyshunoslik, xususan, adabiy ta'sir, qiyosiy adabiyotshunoslik, matnshunoslik va tarjima masalalari bilan shug'ullanayotgan tadqiqotchilar zimmasiga jahonning ilg'or texnologiyalari, nazariy g'oyalariga hamohang ilmiy tadqiqotlar yaratish vazifasini yuklaydi. Olimlarimizning ilmiy salohiyati, innovatsion g'oyalarini jahonda targ'ib qilish va qo'llab-quvvatlash maqsadida xalqaro nufuzga ega ushbu jurnal ta'sis etildi.

"Alisher Navoiy" deb nomlangan ushbu jurnalda navoiyshunoslik, Navoiy adabiy merosining umumjahon tamaddunida tutgan o'rnini va adabiy ta'sir masalalari bilan shug'ullanayotgan tadqiqotchilarni o'z maqolalari bilan ishtirok etishga taklif qilamiz.

TAHRIRIYAT**УВАЖАЕМЫЙ ЧИТАТЕЛЬ!**

В Постановлении №ПП-4865 Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева "О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои" особо отмечается "огромное значение произведений Алишера Навои, в которых нашли глубокое отражение национальные и общечеловеческие ценности, в развитии мировой культуры, их роль в повышении интеллектуального потенциала и духовно-нравственном воспитании молодого поколения, а также в целях обеспечения дальнейшего изучения и популяризации литературно-научного наследия великого поэта и мыслителя..."

Это ставит задачи перед филологами, навоиоведами, исследователями литературного влияния, сравнительного литературоведения, текстологии и вопросов перевода создания научных исследований, соответствующих передовым мировым технологиям и теоретическим идеям. В целях пропаганды и продвижения научного потенциала и инновационных идей наших ученых учреждён данный международный журнал.

Приглашаем публиковать свои статьи в нашем журнале "Алишер Навои" отечественных и зарубежных исследователей, занимающихся изучением жизни и творчества литературы Навои, его роли в мировой литературе, проблемами литературного влияния и сравнительной поэтикой.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИИ**DEAR READER!**

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Miromonovich Mirziyoyev "On the celebration of the 580th anniversary of the great poet and thinker Alisher Navoi" No PP-4865 given the invaluable role of cultivating high moral qualities in their hearts, as well as the need to further study and widely promote the literary and scientific heritage of the great poet and thinker in our country and internationally "

This puts the task of researchers in the field of philology and Navoi studies, in particular, literary influence, comparative literature, textual studies and translation, in creating scientific research in harmony with the world's advanced technologies and theoretical ideas. This internationally renowned journal was established to promote and support the scientific potential and innovative ideas of our scientists around the world.

In this magazine, called "Alisher Navoi", we invite researchers who are interested in Navoi studies, the role of Navoi's literary heritage in world civilization and literary influence to participate with their articles.

EDITORIAL



NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI

“ЮСУФНОМА” МАВЗУСИ ВА УНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДАГИ БАДИЙ ТАЛҚИНИГА ДОИР

Ф.ф.д. Қобилов У. У.
Самарқанд давлат университети

For citation: Kobilov U.U. ON THE TOPIC OF “YUSUFNOMA” AND ITS ARTICAL INTERPRETATION IN ALISHER NAVOI’S LYRICS. Alisher Navoi. 2022, vol.1, issue 3, (109-117) pp.

DOI 10.5281/zenodo.5804667

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақола жаҳон ва Шарқ адабиётининг мумтоз мавзуларидан бўлган “Юсуфнома”лар туркумининг эпик-лирик талқинларига бағишланади. Унда мавзунинг манбалари, тарихий-тадрижий талқинлари, жанрий-шаклий анъаналари ҳамда Алишер Навоий шеърисидаги Юсуф Канъон образининг рамзий-мажозий тасвирлари масалаларига эътибор қаратилади. Алишер Навоий лирик девонлари, хусусан, “Бадойиъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя” девонларида Юсуф тимсоли ва у орқали ифодаланган поэтик манзаралар очиб берилади. Шоир шеърисида “Юсуф қиссаси” сюжети билан боғлиқ ранг-баранг бадий деталлар, эпизодик лавҳалар, тушунча-ифодалар бадийиати илк бора илмий таҳлил этилади. Шу билан бирга “Юсуфнома” туркуми мисолида мумтоз адабиётда сюжет ва образ-тимсоллар кўчиши ҳодисасига баҳо берилади. Бу эса адабий сюжет, мавзу ва ғоя, бадий образ ва тимсол ўзгаришларини аниқ тасаввур этишга, чуқур англашга имкон беради.

Калит сўзлар: Мумтоз шеърят, лирик девон, Юсуф образи, мажозий тасвир, бадий талқин, сюжет, образ, бадий детал, адабий жанр, лирик қаҳрамон, рамзий ифода.

НА ТЕМУ «ЮСУФНОМА» И ЕЕ ИСКУССТВЕННОЕ ТОЛКОВАНИЕ В ЛИРИКАХ АЛИШЕРА НАВОИ

Д.ф.н. Қобилов У. У.
Самаркандский государственный
университет

АННОТАЦИЯ

Данная научная статья посвящена эпико-лирическим интерпретациям сериала «Юсуфнома» – одной из классических тем мировой и восточной литературы. Основное внимание уделяется истокам сюжета, историческим и эволюционным интерпретациям, жанрово-формальным традициям, а также символическим и образным изображениям образа Юсуфа Канана в поэзии Алишера Навои. Лирические девоны Алишера Навои, в частности Бадой ул-бидоя, Наводир ун-нихоя, раскрывают образ Юсуфа и выраженные через него поэтические пейзажи. Впервые в поэзии поэта научно проанализировано искусство красочных художественных деталей, эпизодических сцен, понятий и выражений, связанных с сюжетом «Повести об Иосифе». В то же время феномен миграции сюжетов и образов в классической литературе оценивается на примере сериала «Юсуфнома». Это дает возможность ясного понимания, глубокого понимания изменений литературного сюжета, темы и идеи, художественного образа и эмблемы.

Ключевые слова: классическая поэзия, лирический девон, образ Иосифа, образный образ, художественная интерпретация, сюжет, образ, художественная деталь, литературный жанр, лирический герой, символическое выражение.



ON THE TOPIC OF «YUSUFNOMA» AND ITS ARTICAL INTERPRETATION IN ALISHER NAVOI'S LYRICS

DSc Kobilov U. U.
Samarkand State University

ANNOTATION

This scientific article is devoted to the epic-lyrical interpretations of the series “Yusufnoma”, one of the classic themes of world and Eastern literature. It focuses on the sources of the subject, historical and evolutionary interpretations, genre-form traditions, as well as symbolic and figurative depictions of the image of Yusuf Kanan in the poetry of Alisher Navoi. Alisher Navoi's lyrical divans, in particular, Badoi'i ul-bidoya, Navodir un-nihoya, reveal the image of Yusuf and the poetic landscapes expressed through him. For the first time in the poet's poetry, the art of colorful artistic details, episodic scenes, concepts and expressions related to the plot of “The Story of Joseph” is scientifically analyzed. At the same time, the phenomenon of migration of plots and images in classical literature is assessed on the example of the series “Yusufnoma”. This allows a clear understanding, a deep understanding of the changes in the literary plot, theme and idea, artistic image and emblem.

Keywords: Classical poetry, lyrical devon, image of Joseph, figurative image, artistic interpretation, plot, image, artistic detail, literary genre, lyrical hero, symbolic expression.

Кейинги йиллар мобайнида дунё бўйлаб содир бўлаётган глобал ўзгаришлар миллий маънавият ва адабиётларни жаҳон миқёсида сарҳисоб этишга, “оламари танҳо”лигини англашга ундамоқда. Шу маънода ўзбек адабиётининг шуҳрати унинг узок аср ва бой тажрибалари билангина эмас, балки олам ва бани одам манфаатлари билан боғлиқ жаҳоний мавзу ҳамда умуминсоний масалаларни юксак маҳорат билан талқин этганлигида ҳам кўринади. Жаҳон, хусусан, ўзбек адабиётининг оламшумул мавзуларидан бири “Юсуфнома” йўналишидаги асарлар туркуми ҳисобланади. Бу туркум Таврот, Инжил, Қуръон каби муқаддас китоблар орқали бадиий ижод оламига кириб келган ва забардаст бир анъана сифатида ҳозирги кунларгача давом этиб келаётган адабий ҳодисадир. Маълумотларга кўра, ушбу сюжет 5 ва 6 минг йиллик тарихга эгадир. Шарқ-ислом, хусусан, туркий-ўзбек мумтоз адабиётида ранг-баранг жанрий шаклларда кенг талқин этилган “Юсуфнома” мавзуси учун эса Қуръони Каримда алоҳида бир сура бўлиб келган “Юсуф” сураси асосий манба вазифасини бажаради. Шу сингари Қуръони Каримда пайғамбарлар номи билан юритилган олти сура мавжуд бўлиб, улар орасида Юсуф қиссасига бадиий ижодда ниҳоят кенг мурожаат этилади. Бу ҳақда ўзбек адабиётшунослигида анчагина илмий тадқиқотлар олиб борилган ва борилмоқда. Гап шундаки, дастлаб муқаддас манбалар ва кейинчалик насрий-эпик талқинларда ифода этилган “Юсуфнома” мавзуси мумтоз шеърят оламида чуқур мазмунли поэтик манзаралар кашфи учун хизмат қилиб келди. Бир сўз билан айтилганда, Юсуф қиссаси ўзбек ва умуман бадиий адабиётнинг доимий талқин мавзуларидан бўлиб, уни ўрганиш ва таҳлил этиш мумтоз поэтика масалаларида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис мақолада бадиий ижод дунёсининг зикри ўтган оламшумул ҳодисаси хусусида айрим мулоҳазаларни баён этишга жазм этдик. Бунда “Юсуфнома”га ўзбек мумтоз адабиётида сайёр сюжет масаласи ва образ-тимсол кўчиши ҳодисаси сифатида эътибор қаратилди. Бу китобхонга адабий сюжет, мавзу ва ғоя, бадиий образ ва тимсол манбаларини аниқроқ тасаввур этишга, кенгроқ англашга имкон беради. Маълумки, ҳозирги вақтда ўзбек мумтоз адабиёти ғоявий-бадиий оламини янада чуқур тушунишга, батафсил ўрганишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги фармонида ҳам айтилган масала долзарб вазифа қилиб қўйилди. Гап шундаки, Юсуф қиссаси Алишер Навоий ижодиёти ва умуман мумтоз адабиёт учун ўлмас мавзулардан саналади. Унга эътибор қаратмаган бирор бир санъат ёки миллий адабиётни учратиш амримаҳолдир. Бу мавзу кўлам жиҳатдан ҳам, бадиий нуктаи назаридан ҳам барча даврлар ва халқлар бадиий тафаккурига уйғун бир умумбашарий ҳодиса бўлиб келмоқда. Унинг илдизлари нафақат муқаддас манбалар, балки инсоният тарихи ва тамаддуни, ижтимоий-ахлоқий ва адабий-эстетик қарашларидан ҳам



озик олади. Шу боис Фирдавсий, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Қул Али, Шайод Ҳамза, Рабғузий, Рембрант, Дурбек, Ҳамдий, Томас Манн сингари дунё адабиёти ва санъати буюк намоёндалари “Юсуфнома” туркумининг ажойиб намуналарини яратган бўлсалар, Гёте, Толстой сингари мутафаккир ижодкорлар бу мавзуда асарлар битишни орзу қилиб ўтганлар. Бизнинг фикримизча, мавзу ифода доирасининг бениҳоя кенглиги, сюжетда инсон ва ҳаётнинг доимий масалалари аксини топганлиги унга мурожаат этиш амалиётини тобора кучайишига сабаб бўлган. Бошқа хил қилиб айтилганда, турли даврларда содир бўлган воқеалар, маънавий-маърифий қарашлар ҳам “Юсуфнома”ларнинг вужудга келишини муқаррар бир эҳтиёжга айлантирган. Юсуф қиссасида оптимистик руҳ очиқ-ойдин намоён бўлганлиги ҳам, фикримизча, асар оламшумуллигини таъминлаган кўринади. Чунки Шарқ адабиётида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” сингари ишқий-саргузашт дostonлар воқелик сўнггида қаҳрамонларнинг мажозан айрилиқлари тасвири оддий китобхон учун мунгли ҳолатни тақдим этади. Гарчи бу қаҳрамонлар тақдирида жудалик талқини фано ифодаси бўлиб, бақо йўлидаги восита сифатида тасвир этилган бўлса-да, илк таассурот маҳзун кайфият уйғотади. “Юсуфнома”ларда эса тамоман ўзга бир манзара намоён бўлади. Унда ишқу муҳаббат тасвири ҳам, ижтимоий-ахлоқий масалалар талқини ҳам, инсоний муносабатлар ифодаси ҳам ўзгача руҳда акс эттирилади. Эътиборли жиҳати шундаки, қай бир ижодкор бу мавзуда қалам тебратган бўлмасин, унда масаланинг у ёки бу жиҳати устувор йўналиш касб этади. Баъзиларида гўзалликнинг романтик талқини етакчи ўрин тутган бўлса, айримларида илоҳий ишқ масалалари биринчи планга чиқарилади. Баъзисида инсоний сабот, сабру матонат мавзуси асосий масала этиб олинган бўлса, айримларида ҳасад, ғараз каби чиркин иллатлар фожеаси қаламга олинади. Айримларида адолат, саховат, меҳр туйғуларига эътибор қаратилган бўлса, баъзиларида инсон ботинидаги сирли қудрат, мўъжизавий ҳолатлар тилга олинади. Шу билан бир қаторда мавзу ифодаланган адабий шакл ва жанрлар ҳам хилма-хилдир. Шарқу Ғарб адабиётидаги салмоқли эпик жанрлар: дostonчилик, қиссачилик, роман ва драматик жанрларда бу мавзу талқини кенг ёритилган. Айни вақтда “Юсуфнома”лар мавзу олами ва сюжет чизикларининг қамровдорлиги бадиий тасвирдан ҳам кўламдорликни талаб этган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Юсуф бадиий-рамзий тимсол сифатида лирик жанрларнинг деярли барча хилида ўз аксини топган. Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам бевосита (эпик), ҳам бавосита (лирик) ифодаларда ёрқин бир мавзу сифатида бўй кўрсатган. Маълумотларга қараганда, мумтоз адабиётда “Юсуфнома” мавзусида 150 дан ортиқ дoston яратилган бўлса, уларнинг 50 га яқини туркий-ўзбек адабиёт маҳсули ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослигида мавзунинг илмий талқини бўйича муҳим тадқиқотлар юзага келган. Бу тадқиқотларда “Юсуфнома”ларни эпик планда талқин этган Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи, Рабғузийнинг “Юсуф Сиддиқ алайҳиссалом қиссаси”, Навоийнинг “Юсуф алайҳиссалом”, Авлонийнинг “Пайғамбарлар қиссаси”, Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи” ва бошқа талқинлар манба бўлиб хизмат қилган. Бу асарлардаги бадиий талқинлар билан бир қаторда мумтоз ўзбек шеърлятида мавзунинг асосий образлари мароқ билан тасвир этилгандир. Юқорида айтилганидек, Юсуф сиймоси илоҳий манбаларнинг дилбар қиссаларидан ҳисобланади ва айни чоғда мавзу тарихий илдизлари шу манбалар асосида шаклланган. Кейинчалик бадиий адабиёт ёки бошқа санъат турлари талқин мавзусига айланган. Шу ўринда бир муҳим масалани айтиб ўтиш лозимки, Юсуф алайҳиссалом муқаддас манбаларда аҳли нубувватнинг бир халқаси сифатида қаралади. У сингари бошқа шундай сиймолар ҳам бадиий адабиёт саҳифаларида тасвир этилгач, албатта, бадиий асарнинг характер тимсоли сифатида талқин этилади. Шу боисдан Юсуф образи талқини ҳам ҳозирга қадар бадиий адабиётнинг ўлмас мавзуларидан бўлиб келмоқда. Юсуф сиймоси узоқ асрлардан буён бадиий адабиётнинг дилтортар образларидан бўлиб келмоқда. Қуръони Карим илоҳий сўзлар хотимаси ва сўнгги муқаддас китоб ҳисобланади. Унда барча масалалар мукамаллашган, жумладан, Юсуф қиссаси ҳам комил бир қисса сифатида акс этган. Бунинг натижаси ўзбек мумтоз адабиётида мавзу барча қирралари билан теран намоён бўлганлигида ҳам кўринади. “Юсуфнома” сюжетининг асосий қаҳрамони Юсуф сиймосидир. У Яъқуб пайғамбарнинг кичик фарзанди, яъни набийзодалар авлодидандир. Қуръони Каримда унга чуқур эҳтиром намоён этилиб, бир юз ўн бир ояти каримдан иборат “Юсуф” номи билан юритиладиган алоҳида бир суранинг бир юзу тўққиз ояти қиссага бағишланган. Ушбу сурадаги илоҳий сўзлар, албатта, шу мавзудаги бадиий қиссалардан фарқланади. Чунки қиссалар бадиий талқин, ижодий



тафаккур махсули сифатида қаралиши керак. Мисол учун Юсуф қиссаларида асарнинг асосий персонажларидан Миср Азизининг хотини бўлган Зулайхо образи мавжуд, “Юсуф” сурасида ҳам Миср Азизининг хотини ҳақида фикр юритилади, аммо у Зулайхо деб аталмайди. Манба ва адабиётларда бу образнинг пайдо бўлиши ҳақида турлича қарашлар учраса-да, бироқ илк бора қайси ижодкор ёки қайси асар орқали кириб келганлиги аниқ эмас. Лекин бу образнинг қиссачиликда пайдо бўлганлиги “Юсуфнома”лар бадииятининг улкан ютуғи деб қараш керак, фикримизча. Бу ҳолат қисса жозибадорлигини ҳам, Юсуф образи мафтункорлигини ҳам таъмин этган кашфиётлардан саналади ва айна образ туфайли асар комил ишқ дostonига айланган. Умуман бадиий адабиётда ишқий-саргузашт воқелигини халқона руҳда акс эттириб, асл моҳиятда долзарб умумбашарий масалаларни талқин этиш тажрибаси қадимдан мавжуд бўлиб келган. Бу ҳодиса антик адабиёт намуналарида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, биргина “Ўтган кунлар” романини худди шундай услубнинг нодир намунаси деб баҳолаш мумкин. Асарда Отабек ва Кумуш муҳаббати улкан бир ижтимоий муаммонинг талқин этилишида бадиий ифода вазифасини ўтаган. Бу “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ёки “Ромео ва Жулетта” сингари асарларда ҳам кузатилади. Назаримизда, айна ижод тажрибаси Шарқ-ислом адабиётида “Юсуф ва Зулайхо” қиссасидан ибтидо олгандек таассурот уйғотади. Ушбу асарлардаги ошиқ ёки маъшуқа образларини асар табиати ва бошқа ижод қонуниятлари асосида қиёсий таҳлил этиш зарурати борга ўхшайди. Бу эса асарлардаги илоҳий, ишқий, ижтимоий мавзулар талқинининг мазмун-моҳиятини очиб беришга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, “Юсуфнома”лар бадиий қимматини таъмин этувчи жиҳатлардан бири шундадир. Бу жаҳоншумул мавзунинг ўзбек адабиётидаги тўлақонли ифодаси “Қисас ар-Рабғузий” асарида ўз аксини топган. Бу типли асарлар туркуми Шарқ адабиётида забардаст бир адабий анъанани вужудга келтирган ҳамда бадиий талқинлар жозибадорлигига хизмат этган. Жумладан, Муҳаммад Саййид Тантовий “Қасас ал-Қуръон”, Муҳаммад ибн Жарир Табарий “Таърихи Табарий”, Ибн Касир “Ал-бадоят ва ниҳоят” (ёки “Қиссаул анбиё”), Қутбиддин Ровандий “Таърихи анбиё”, Муҳаммад Аҳмад Жадалмавий “Қиссаҳои Қуръон”, Расули Маҳоллоти “Қасас ал-Қуръон”, Садриддин Балогий “Қасас ул-Қуръон”, Камол Мустафо Шокир “Қисас ул-анбиё”, Ибн Арабий “Фусус –ал-хикам”, Макоримий Шерозий “Қиссаҳои Қуръон”, Шазарийнинг “Қасас-ул-анбиё” ва бошқа шу каби асарлар анъананинг нодир намуналаридир. Ушбу асарларда айtilган мавзу талқини бениҳоя иштиёқ билан тасвир этиб берилган. “Қисас ар-Рабғузий”нинг ҳам салмоқли қиссаларидан бири Юсуф қиссасидир. У Нух, Иброҳим, Сулаймон, Мусо қиссалари каби кенг салмоққа эгадир. Аммо ҳеч бир “Қисас-ул анбиё”лар қиссаларида ишқ мавзуси Юсуф саргузаштидек тасвир этилмаганлигини ва у набий сиймога қараганда кўпроқ бадиий сиймо сифатида тасвир этилганлигини айтиб ўтиш лозим. Асарда Юсуф “нубувват хайли”(Алишер Навоий таърифи)нинг тадрижий давом этган бир халқаси тарзида талқин этилганлигини айтиб ўтган эдик. Ўзгарили томони асардаги ҳар бир қисса ўзаро мантаний боғланган бўлса-да, уларни бемалол алоҳида бир асар сифатида баҳолаш мумкин. Юсуф образининг лирик жанрлардаги тимсоли ҳақида гап борганда бир оз ўзгачароқ манзара кўринади. Лирикада бу тимсол асосан ғазал жанрида бадиий санъат – талмих-тазмин сифатида ишлатилган. Шу билан биргаликда алоҳида байтларда бутун бир қисса тарихига ишора этилади ҳамда шу шеърнинг бутун бир поэтик структураси билан боғлиқ бўлади. Масалан, Фурқатнинг “тортадур” рафли ғазалидаги бир байтга назар ташлайлик:

*Не билур Юсуфки, нозу ҳусн ила мағрурдур,
Ул қадарким ишқ дардини Зулайхо тортадур.*

Ушбуда Юсуфнинг ҳусн бобида беҳад гўзаллигидан мағрурланиши ва унинг ишқиди Зулайхонинг дард тортишига ишора этилиб, ошиқнинг аҳвол руҳияси очиб берилади. “Юсуфнома”лар турли адабий жанр ва шаклларда ифодаланганлигини айтиб ўтган эдик. Шулардан илоҳий манбалар асосида талқин этилган Юсуф қиссалари бу гўзал воқеликнинг барча жиҳатларини кенг қамраб олган. Чунки бу қиссалар бир томондан муқаддас манбаларнинг бадиий ифодаси бўлиб келади. Ўзбек адабиётида Рабғузийнинг бу борадаги маҳорати алоҳида таҳсинга сазавордир. Ижодкор қисса сюжетини яхлит бадиий асар даражасида талқин этишга муваффақ бўлгандир. У биргина воқелик тасвиридан иборат бўлиб қолмасдан, эпик тасвирнинг ранг-баранг бадиий шакл ва лавҳаларидан унумли фойдаланган. Қиссада ҳикоят, латифа, ғазал, тўртликлар, фойда, байт, савол-жавоб жанри, шеър, айтишув, башорат, ривоят, ҳадис каби шакл-жанрлар маҳорат билан тақдим этилади.



Бу жанрлар асар моҳиятига сингдирилади. Иккинчи томондан бундай анъана қадим қиссачилик табиатини кўрсатиб турувчи омил ҳамдир. Асар сюжетини Яъқуб оиласидаги муносабатлар, карвон аҳли, Миср давлати аъёнлари, Миср Азизининг хотини Зулайҳо, Миср задогонлари аёллари, зиндонбандлар ва бошқа эпизодик образлар ташкил этади. Юсуф қиссанинг бошидан охирига қадар қатнашади. Турли “Юсуфнома”ларда бу образ ёки воқеалар, мавзу ва ҳодисалар ижодкор мақсади ҳамда асар ғоясига биноан биринчи планга чиқарилиб талқин этилади. Бошқача айтилганда жамият ва ҳаёт талабига кўра, сюжетнинг у ёки бу жиҳати “Юсуфнома”ларнинг етакчи хусусиятига айланиб борганлиги кўринади. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонида ишқи илоҳий масалалари етакчилик қилса, Дурбек қаламига мансуб “Юсуф ва Зулайҳо” достонида халоскорлик, сабру матонат масалалари эътиборга олинганлиги кўринади. Хуллас, ҳар бир давр ҳамда ижодкорнинг ўз “Юсуфнома” ва “Юсуф ва Зулайҳо”си бор. У турли давр ва ижодкорлар ижодида ўзга бир ранг-оҳангларда талқин этилади. Бадиий адабиётдаги “Юсуфнома”ни тасвирий санъатдаги Леонардо Да Винчининг “Мона Лиза” асарига қиёс этиш мумкин. “Мона Лиза” асари инсон уни қандай руҳиятда томоша қилса, у кишига шундай руҳият бағишлагандек “Юсуфнома”лар ҳам бани Одамнинг дақиқадан мангуликка қадар дардларни турфа рангда ифода этиб беришга қаратилган жозибатор асардир. Юсуф образининг лирик асарлардаги талқинида воқеликнинг муайян томонлари кўпроқ талқин этилганлиги кўринади. Мисол учун Юсуф – гўзаллик тимсоли бўлиб келиши, арзимас дирҳам пулга сотилиши, унинг қудуққа ташланиши, Яъқубнинг Юсуф дардида кўзи ожиз бўлиб қолиши, Зулайҳонинг Юсуфга бўлган интихосиз муҳаббати, Юсуф туш таъбирчиси эканлиги, Юсуфнинг зиндонга ташланиши каби воқеликлар рангин рамзий-мажозий тасвирларини айтишимиз мумкин. Ўзбек мумтоз шеърятининг деярли барча вакиллари ижодида оздир-кўпдир Юсуф тимсолига бениҳоя самимий муҳаббат билан мурожаат этилган, фараҳбахш сатрлар яратилган. Адабий жараённинг бошқа ҳодисалари сингари масала талқинида ҳам Алишер Навоий мероси алоҳида ўринга эгадир. Гарчи мумтоз шеърятда Юсуф тимсоли бадиий санъат-талмиҳ сифатида тасвир этилса-да, у ёки бу асарнинг бутун поэтик харитаси билан боғланиб кетади. Шу билан бир қаторда мавзунинг муайян жиҳати лирик қаҳрамон ва маъшуқа муносабатлари фонида эслатма-ишора тарзида талқин этилиб, сюжетнинг умумтабиати, воқеликнинг умумруҳи билан боғлиқ бир бўлак акс эттирилади. “Юсуфнома” воқелиги лирик талқинларда турли бадиий манзараларни ҳосил қилади. Агар Юсуф тимсоли лирик талқини билан боғлиқ сатрлар кенг планда таҳлил этилса, фикр айнан сюжет воқелиги даражасигача етиб боради.

*Кўнглагингдинким, топар жон дам-бадам Юсуф иси,
Эй Азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен.*

Мазкур шеърда Алишер Навоий Юсуф қиссаси воқеаларидан бир лавҳага ишорат этиб, ажиб лирик манзара яратган. Унда Юсуф ўз кўйлагини отаси Яъқубга юборгани ва кўйлақдаги Юсуф исидан отасининг кўр бўлиб қолган кўзлари очилгани воқеаси тасвирига олинган. Шеърда маъшуқага мурожаат этиб, “кўйлагингдан Юсуф иси жон топади. Эй Азизим, мен ҳам шу кўйлакнинг бир ипиман” мазмунида фикр бор. Демак, Юсуф кўйлагидаги бўй (ҳид) ҳам ёр кўйлаги туфайли экан, ошиқнинг жони эса шу кўйлакнинг ипидек экан, холос. “Эй Азизим” ундالمаси ҳам шунчаки қўлланилмаган. Бу сўзда ҳам қисса образларидан бирига тағмаъноли ишора бор. Энг муҳими ушбу байт мазмунини тугал англаш учун ҳеч бўлмаганда “Юсуфнома” сюжетининг Юсуф ва унинг кўйлаги тасвиригача бўлган воқеалар тизимини ёдга олиш керак бўлади. Агар масалани набийлик тарихи нуқтаи назаридан олиб баҳолайдиган бўлсак, масала янада чуқурлашади. Кўйлақ ботиний-рамзий тимсол эканлиги, маърифий адабиётларда “хирқа” сифатида муайян бир мақомга эга эканлиги масалалари эътиборни тортади. Бугина эмас, балки Юсуф гўзаллик тимсоли эканлиги, туш ва таъбир масалаларининг қиссадаги талқини мавзусига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Таъбир – сўзи арабча “аъбаро”, “яъбуру” ўзакларидан олинган ва “йўл ёки дарёнинг бир тарафидан иккинчи тарафига ўтиш” маъносини англатиб, таъбирчи туш воқеаларини “мавҳумликдан аниқлик томонга ўтказувчи”, “шу йўл ёки дарёни кесиб ўтувчи” маъноларини беради. Демак, байтдаги талмиҳ санъати масалани нақадар кенгайиб кетишига йўл очади. Бундан ташқари сўз-тимсоллар зоҳирий ва ботиний маънолари талқини фикру мулоҳазалар ўзанини янада чуқурлаштиради. Айниқса, ушбу сатрларда иккита воқелик, яъни Масих ва Юсуф воқелиги мувозий тасвир этилганлиги талқин қўламининг беҳад ошишига имкон яратади. Тарихий



манбаларда бундай сиймолар нубувват халқалари сифатида ўзаро боғланади. Бадиий талқинларда эса мўъжизавий ҳоллари нуқтаи назаридан ёнма-ён тасвирланади. Байтда бу тимсолларнинг мувозий келтирилишидан мурод Масиҳнинг жонбахшлиги - лаб(илоҳий калом)дан, Юсуфнинг гўзаллиги эса юз(илоҳиёт тажаллиси)дан эканлигига ишончдир. Алишер Навоийнинг “*Оламари ҳусн ила жонбахш нутқунгму экин, Ё Масиҳи руҳи Юсуф жисмида қилмиш ҳулл?*” - байтида ҳам айна мавзу ўзгача бир руҳда талқин этилган ва фақат бунда маъшуканинг гўзал ҳусни, жонбахш нутқидан ажабланган ошиқ маҳбуба нутқини Юсуф жисмига сингган Масиҳи руҳига менгзамок бўлади, холос. “Юсуфнома”лар воқеалари бадиий талқини билан боғлиқ бундай сатрлар Алишер Навоий шеъриятида кўплаб битилган. Масалан, ушбу байтда воқеликнинг яна бошқа бир хил талқини кузатилади.

*Юсуфим ҳажрида Яъқубий ғам ичра, мутрибо,
Ўйла менким, хушлугум йўқ нағмайи Довуд ила.*

Байтда мутриб(созанда)га мурожаат этилган. Мумтоз шеърятда масала мутриблик, нағмасозлик ҳақида борар экан фикр, албатта, хушоҳанглик тимсоли “Довуд ила” боғланади. Довуд ҳам Масиҳ сингари Юсуф сиймоси билан набийлик доирасидагина туташади, холос. Шеърда “Юсуфнома” мавзусининг таянч нуқталаридан бири бадиий фикр оҳангига хизмат қилдирилгандир. Бунда асарнинг бошланишидаёқ содир бўлган ота ва фарзанд орасидаги хижрон мавзуси лирик талқинга жалб этилган. Маълумки, Юсуф қиссаси бир маънода ҳажр ва сабр қиссаси ҳамдир. Асарнинг бундай руҳидан маҳорат билан фойдаланган ижодкор Юсуфни маҳбуба, Яъқубни муҳиб тарзида гавдалантирган. Алишер Навоий “даъво” радибли ғазалида “ҳажрнинг даъвоси висол” деган хулосани айтган. Худди шундай лирик қаҳрамон ҳам “мени Юсуфи ҳажрида ғамга ботган Яъқуб сифатида тасаввур қил. Эй мутриб, менинг ҳатто Довуд нағмасига ҳам “хушлугум йўқ” – дейди. Довуд ва Юсуф орасида ҳам узоқ вақт масофаси бор. Бироқ лирик кечинма Юсуф тимсолини ададсиз воқеликлар занжири билан туташтиради.

*Қирпикинг тушган кўнгул ичра ҳаёлинг, эй пари,
Гуёиё Юсуф нузул этмиш чоҳи Бобил аро.*

Байтда Юсуф билан боғлиқ кечинмалар талқинида кутилмаганда “чоҳи Бобил” тилга олинган. Тўғри, Юсуф ва унинг чоҳ, яъни қудукқа ташланиши “Юсуфнома”лар сюжетининг ўзак масалаларидан ҳисобланади. Навоий бир ўринда “Юсуф жамоли чоҳни равшан этган”лигини айтиб ўтади. Ушбуда маъшуқа истиоравий тарзда “пари” деб аталган. Яъни, “Эй пари, сенинг кипригинг кўнгилга тушган. Бу гуё чоҳи Бобилга Юсуф тушган мисолидир”. “Чоҳи Бобил” тарихан узоқ ўтмишдир. У ҳақидаги ривоятлар Одам ва бани Одам тарихидан ҳам йироқ ҳисобланади. Ҳорут ва Морут афсоналарига тегишли бўлган бениҳоя ибратли қиссадир. Улар дастлаб фаришталар саналишган. Ер юзига синов учун юборилишганларида бир аёлга майл қилиб гуноҳга ботадилар. Ривоятларга кўра, у аёл поклиги учун кейинчалик Зухро юлдузига айланиб қолганлиги айтилади. Ҳорут ва Морут эса охира азобидан дунё азобини маъқул кўришиб, Ҳиндистон атрофидаги чоҳга ташланади. Шу ерда бу фаришталар жоду билан шуғулланувчилар учун намуна этилиб, оламнинг барча бадбўйликларига дучор бўладилар. У қудук чоҳи Бобил деб юритилган ва мумтоз асарларда кенг талқин этилади. Шу боис шеърда пари образининг келтирилиши мантиқлидир. Шунингдек, адабиётларда қудук образи ҳам мавжуд бўлиб, унинг илдизлари чоҳи Бобил сингари қарашлардан келиб чиққан деб айтиш мумкин. Юсуфнинг қариндошлари томонидан қудукқа ташланиши эпизоди бадиий талқинда чоҳи Бобил билан муқояса этилади. Кўнгил – Бобил чоҳи, киприк – Юсуф тимсолида акс эттирилиб, талқинда “Юсуфнома”лар воқелиги ўзгача руҳ касб эттирилган. Бошқа бир мисраларда Юсуфнинг арзимас дирҳамга сотилиши эпизоди бадиий талқинига дуч келинади. Алишер Навоий кўнгилнинг ҳар не ситамларга қарамасдан висолни иштагани, Юсуфга эски дирҳам билан харидор бўлган тужжорга ўхшатади. Яъни, “*Кўнгулким васлин истар ҳар тараф доғи ситам бирла, Эрур Юсуф харидори неча эски дирам бирла*”. Бу ўринда висол истаган кўнгил Юсуф харидори ҳолига қиёсланади. Шеърятда Юсуф образи тасвирланар экан, шу мавзуга дахлдор бўлган деталлар, маконлар, образлар ҳам доимо эътиборда туради. Айниқса, қудук, зиндон, бозор, сарой каби жойлар тасвири фаол талқин этилади.

*Оразинг нақшики чиқмас тийра кўнгулмдин даме,
Қилдилар гуёки Юсуф сувратин зиндонда нақи.
Эй мусаввир, чизмагил Мажнуни Лайло сувратин,
Бас мену ёрим ҳадиси сафҳаи давронда нақи.*



Маъшуқа юзининг нақши, сурати ошиқнинг “тийра” (қоронғу) бўлган кўнглидан ҳеч вақт чиқмайди. Бу гўё Юсуф сурати зиндонга нақш (ўйиб чизилганга) этилганга ўхшайди. Эй мусаввир, сен зинҳор Мажнун ва Лайло суратини чизмагин, мен ва ёримнинг сўзлари даврон, яъни айланувчи фалак саҳифаларига нақш этилган. Тийра кўп маъноли сўз, тийра кўнгил ғамзада қалбни англатади. Шеърда у Юсуф ташланган зиндонга қиёс этилган. Қисса сюжетининг муҳим элементларидан бўлган зиндон сингари шеърятда бозор макон-жой тушунчаси ҳам рамзий маъноларни ифодалаб келади. Масалан, мазкур байтда “Юсуфга мурожаат этилиб, ўзингни ҳусн савдосида сотаётганингда, ҳабибим (бу сўз кўп маъноли) келганда эди бозоринг амалга ошмай қоларди”, – деган мазмунда фикр юритилган. Бу ўринда бозор ҳусн савдоси, гўзалликка харидорлик маскани маъноларини билдириб келмоқда.

*Ўзунгни сотмогингда ҳусн савдосидин, эй Юсуф,
Ҳабибим етса эрди, не ушалғой эрди бозоринг.*

Тадқиқотлар кўрсатадики, Алишер Навоий лирикасини мумтоз шеърятнинг мазмун, кўлам, шакл-жанрлар ранг-баранглиги жиҳатларидан умумшарқ бадиий-эстетик, маънавий-маърифий оламининг бир нуқтада жам бўлган хазинасига қиёс этиш мумкин. Мутафаккир мумтоз шеърятти бир миллий маданиятнинггина эмас, балки умумбашарий туйғуларнинг бадиий ифодаси сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат ифодаси Алишер Навоий ижодидаги Юсуфи Канъон қиссаси бадиий талқинида яққол кўринади. Ушбу “қиссас ул-ахзан” моҳият эътибори билан дунё халқлари бадиий адабиёти оламини ўзига мафтун этган мавзулардан эканлиги айтиб ўтилди. Эътиборли томони шундаки, бир томондан Юсуф қиссаси миллий ва жаҳоншумул мавқе тутса, иккинчи томондан бу сюжет ҳам омма, ҳам хослар учун бирдек ҳаётбахш хусусиятга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Буни Алишер Навоийнинг ўзи ҳам “*Ўзунг давринда Юсуф достонин, Ўқурлар ому хос афсоналардек*”, – дея эътироф этади. Бундан қадимда ҳам, янги даврда ҳам “авом” ва “хос” адабиёти мавжуд бўлиб келганидек, учинчи бир “ому хос” адабиёти ҳам мавжудлигини эътироф этиш керак бўлади. Маълумки, Шарқ мумтоз адабиётидаги анъанавий “қиссас ул-анбиё”лар туркуми тасаввуф ва мумтоз адабиёт жанрий-бадиий, шаклий-мазмуний олами учун ўзига хос сарчашма ҳисобланади. Хусусан, Алишер Навоий шеърятда жозиб бир ўрин касб этган Юсуф Канъон сюжети талқинида илоҳий китоблар билан биргаликда мана шу манбалар ҳам муҳим ўрин тутгандир. Мазкур қисса мафтункор сюжет ва образлари асосида Шарқу Ғарб адабиёти ва санъатида ранг-баранг типли асарлар галлереяси вужудга келган. Айни дилбар мавзу ҳазрат Алишер Навоий эътиборини ўзига тортмаслиги ҳам мумкин эмас эди. Шоир “Тарихи анбиё...”сида мавзунинг мухтасар тарихини келтиради. Умр ғаниматлиги бу ҳақда алоҳида дoston битишига монъелик қилади. Аммо шоир шеърятти образлар оламини Юсуф тимсоли талқинисиз тасаввур этиб бўлмайди. Алишер Навоий лирик девонларида саксонга яқин ўринда мавзу, образ, сюжетга мурожаат этилади. Қайд этиб ўтиш керакки, гарчи бир мавзу ва сюжет бўлса-да, лирик ва эпик талқин ўзига хос тасвирларни юзага келтиради. Эпик талқинда воқеликдан келиб чиқадиган тафсилот, лирик талқинда тасвир асосидаги кечинма ўзига хосликни таъмин этади. Шундан насрий талқинда характер, шеърый ифодада эса тимсол вужудга келади. Гап шундаки, бадиий воқеликдаги тафсилотларнинг барчаси лирик тасвирга кўчавермайди, балки лирик образ қамравига хос ҳолат, тасвир, лавҳа, предмет, ходиса, деталлар лирик талқинда иштирок этади. Мана шулар воситасидагина эпик воқелик ҳақиқатлари намоён бўлади. Чунки шеърый ифодада лирик қаҳрамон бирламчи бўлиб, унинг кайфияти, руҳиятигагина мансуб образ-тимсолларга мурожаат этилади. Лирик асарда иштирок этган предмет, детал ёки ифодадалар бадиий образ-тимсол ҳисобланади. Худди шунингдек, Юсуф қиссаси эпик талқинидаги барча ҳодисотлар назмий талқинда ўз аксини топмайди, балки талқин этилган ҳодисотлар сюжетга ишора этади. Алишер Навоий шеърятда Юсуф образи ва қисса сюжети билан боғлиқ тимсол ва деталлар талқини ўзига хос бир бадиий оламини ташкил этади. Уларни бир нуқтага жам этсак, ўша гўзал қисса сюжети кўз ўнгимизда гавдаланади. Бироқ шеърый талқин талабига кўра, бу тимсол-образлар бутунлай ўзга тасвир ифодалари ва ифода тасвирлари учун хизмат этади. Масалан, “туш”, “чоҳи Бобил”, “бўри”, “харидор”, “савдо”, “бозор”, “ҳусн”, “дирам”, “мужда”, “кўйлак”, “Қуёш”, “зиндон”, “Канъон”, “қон”, “Зулайхо”, “тожир”, “ҳажр”, “Яъқуб”, “ғам”, “қонли кўйлак”, “қон иси”, “дашт”, “Байтул-аҳзон” ва бошқалар ҳақида гап кетганда кўз ўнгимизда шу сюжет талқинидан келиб чиқадиган турфа рамзий ифодадалар



пайдо бўлади. Бу тушунчаларга ҳамоҳанг равишда лирик ифодалар (“кўнгил”, “киприк”, “хусн савдоси”, “оламари хусн” ва б.) тасвир этилади ва ажиб поэтик манзараларни вужудга келтиради, яъни, қиссадаги воқеалашган образ, деталлар шеърятда лиризмга йўғрилган ҳолда намоён бўлади. Мисол учун Алишер Навоийнинг ушбу мисраларида лирик қаҳрамон рухий кечинмалари акс этади. Унда маҳбуб ҳаёлида бўлган лирик қаҳрамон тушида Юсуф суратини кўрганлигини айтади ва у гўё руҳ учун бир андозага ўхшатилади. Яъни, маҳбуба руҳ бўлса, тушда кўрилган Юсуф сурати гўё унга бир шаклдир.

*Тушта Юсуф ҳайъатин кўрдум ҳабибим ёдидин,
Гўйи ул қолип бу руҳи маҳз учун андозадур.*

Байтда туш эпизоди бадий детал сифатида кўринади ва тасвирнинг асосий ҳаракатлантирувчи мотиви ролини ўйнайди. Шарқ адабиётида “туш” лавҳаси “Юсуфнома” лар учун муҳим характер ҳисобланади. Қисса туш билан бошланади, давом этади ва тугалланади. Юсуф ҳам таъбирчи сифатида кўринади. Шеърда эса гарчи туш сюжетга ишора этса-да, лирик талқинда бошқа бир лирик манзара ифодалашга хизмат қилади. Мазкур сатрларда маъшука “лаби” ва “юзи” лирик қаҳрамон тушида намоён бўлади. Бу унга шундай фараҳли онлар бағишлайдики, “боши узра” Масиҳ ва Юсуф келса ҳам уйғотмасликни айтади. Манбаларда туш нубувват ҳолларидан, ваҳий турларидан бири деб қаралади. Шу боис “пайғамбар туши – ваҳийдир”, - дейилади ҳамда барча пайғамбарлар қиссаларида туш масаласига эътибор қаратилади. Чунончи, Юсуф сингари Масиҳ алайҳиссалом қиссасида ҳам туш тасвири алоҳида ўрин тутати. Байтда эса туш ёр “лаълию рухсори”, яъни жамол ва камолдан масрурлик кечинмаси учун асос қилиб олинган. Ва воқелик учун уйғун равишда Масиҳ ва Юсуф тимсолларига мурожаат этилади. Бунда лаъл – масиҳсифат, рухсор – юсуфсифатлик ифодаларидир.

*Тушумда лаълию рухсори дур, уйғотманг мени, гар худ,
Масиҳо бирла Юсуф бошим узра етсалар ногаҳ.*

Юсуф биродарлари томонидан қудуққа ташланиши қисса сюжетининг ривожига келтирилади. Лирик талқинларда “чоҳ” тимсоли бир бадий детал сифатида ишлатилади. Бир байтда маъшук кипригига кўнгил тушиши Бобил чоҳига Юсуф тушгандек намоён бўлади. Шоир “Бадойиъ ул-бидоя” девонида “*Кипригинг тушган кўнгул ичра ҳаёлинг, эй пари, Гўйиё Юсуф нузул этмиш чаҳи Бобил аро*”, – дейди. “Қисас ул-анбиё” ларда қудуқ-чоҳ образи Ҳорут ва Морут қиссасида келтирилади. Шунингдек, фольклор намуналарида ҳам туш сюжетларнинг муҳим элементи сифатида учрайди. Юсуф чоҳда ажиб бир саргузаштларни бошидан кечиради. Айнан Юсуф ва чоҳ воқелиги шеърятда сержило поэтик тасвирларни рўёбга чиқаради. Бунда таққос маъшук юз жозибадорлигига қаратилади. Гўё “чоҳ зулматини Юсуф жамоли ёрутгандек, вужуддаги ўқ захмини ёружонга бўлган ишқ бартараф этади”, – дейилган ушбу сатрларда ишқ мавзуси бирламчи ўринда талқин этилган, унга Юсуфнинг чоҳга ташланиши ҳодисаси тамсил бўлиб келади.

*Ўқи захмин тан аро ул юз ҳаёли эритур,
Уйлаким, Юсуф жамоли равшан эткай чоҳни.*

Мумтоз ва Алишер Навоий шеърятда “хусн” ва “гўзаллик” масаласи талқинида Юсуф тимсол сифатида ҳам, тамсил тарзида ҳам сермахсул ўрин эгаллайди. Гарчи анбиёлар қиссаларида гўзаллик Ҳавво ва Зулайҳога нисбат берилса-да, бадий талқинларда хуснга рамз сифатида келтирилмайди. Бир ривоятда Юсуфга жаннат хурлари гўзаллиги тақдим этилганлиги айтилса, бошқа бир қарашларда олам гўзаллигининг тўққизи Ҳаввога, қолган бирининг тўққизи Юсуфга, тўққизнинг бири эса бутун олам махлуқотларига берилганлиги ҳақида гап боради. Бадий адабиётларда Юсуф гўзаллигининг бетимсол хилқати сифатида талқин этилади. Шарқ мумтоз шеърятда ҳақиқий гўзалликка мажозий ифода бўлиб келади. Бу мавзу, яъни ҳақиқий гўзаллик ифодасида Юсуф образини мажоз сифатида тасвирлаш Абдурахмон Жомийнинг шу номдаги достони талқинида кўринади. Бир ўринда Алишер Навоий ҳақиқий севгили оламари хусни ва жонбахш сўзларини Юсуфнинг тенгсиз гўзал жисмида Масиҳнинг жонбахш нутқи жилва этганлигига йўяди.

*Оламари хусн ила жонбахш нутқунгму экин,
Ё Масиҳо руҳи Юсуф жисмида қилмиш ҳулул?*

Хуллас, “Юсуфнома” лар бадий адабиёт учун ўлмас мавзулар хазиначидир. У ҳақда қанча мулоҳаза юритилса, мавзунинг шунча қирралари намоён бўлаверади. Ушбу мавзу талқинида эпик ва лирик тасвирлар ўзига хос жозибадор олам яратади. Эпик тасвирда қўламдор



воқелик акс этган бўлса, лирик талқинда воқеалар рамзийлигига эътибор берилади. Демак, мумтоз шеърятда “Юсуфнома” мавзуси ўзгача руҳда талқин этилади ва ҳамма даврларда бу мавзу мададкор руҳ, мафтункор бадиият олами сифатида ўқувчилар қалбини ўзига ром этган дилбар мавзудир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Азорабеков С.К. Сказание о Юсуфе и его отражение в персидско-таджикской прозе X-XI веков. Авт. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2005. – 26 с.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. Фозилов Э. И. таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1983. – 656; – 644; – 624; – 636 б.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя – Тошкент: Фан, 1987. – 724 б.
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик, иккинчи том. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: Фан, 1987. – 624 б.
5. Кароматов Ҳ.С. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари. – Тошкент: Мерос, 1994. – 170 б.
6. Носириддин Бурҳониддин Рабғузӣ. Қисаси Рабғузӣ. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 240 б.
7. Носириддин Бурҳониддин Рабғузӣ. Қисаси Рабғузӣ. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 272 б.
8. Сафарова Ҳ.А. Рабғузӣ “Қисаси Юсуф Сиддик алайҳиссалом” асари манбалари ва ғоявий-бадий таҳлили. Фил. фан. ном. дисс. – Самарқанд: 2001. – 153 б.
9. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 160 б.



ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALINING AXBOROT XATI

Alisher Navoiy xalqaro jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiyasi komissiyasi tomonidan filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalar chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan. Shuningdek, Amerika qo'shma shtatlarining Crossref.org tizimiga ham kiritiladi hamda har bir maqolaga doi raqami beriladi. Jurnalda quyidagi ruknlar bo'yicha maqolalar chop etiladi:

- **NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI**
- **NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI**
- **TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O'ZBEK ADABIYOTI**
- **BAHOSIZ BITIKLAR** (Navoiy asarlarining qo'lyozmalari, Navoiy merosi va matnshunoslik masalalari uchun).
- **ASLIYAT UMMONI** (asosan, ingliz, fransuz, nemis, rus, xitoy, yapon, koreys, hind tillariga).
- **NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI** (Navoiy nasri va nazmiga doir tadqiqotlar uchun).
- **ILM, OLAM VA OLIM** (Navoiy ilmiy merosi va turli ilmlarga doir qarashlari uchun).
- **HAQIQAT SARI SAFAR** (Navoiyning falsafiy qarashlari).
- **MA'RIFAT YOG'DUSI** (Navoiy va islom ma'rifati, Navoiyning diniy-ma'rifiy qarashlari, Navoiy va tasavvuf).
- **NAVOIY POETIKASI** (Fasohat, balog'at, badiiyat, aruz va qofiya bilan bog'liq masalalar).
- **TURKIY MUMTOZ ADABIYOT TADQIQI VA UNING BOSHQA ADABIYOTLAR BILAN QIYOSI**
- **NAVOIY VA ADABIY TA'SIR MASALALARI**
- **NAVOIY VA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI**

MAQOLALARGA QO'YILADIGAN TALABLAR:

- maqola 10-15 sahifa hajmida taqdim etiladi;
- maqolalar **o'zbek, turk, tojik, rus, ingliz, fransuz** tillarida qabul qilinadi;
- Maqolaning tarkibiy tuzilishi:
 1. Maqola sarlavhasi.
 2. Muallifning F.I.SH., lavozimi, ilmiy unvoni, ish (o'qish) joylari, viloyat, respublika va elektron pochta adresi to'liq keltiriladi.
 3. Annotatsiya (maqolaning qisqacha mazmun va maqsadi, 100-150 ta so'zdan iborat bo'lishi lozim) **o'zbek, rus, ingliz** tillarida beriladi.
 4. Tayanch so'z va iboralar **o'zbek, rus, ingliz** tillarida (7-10 so'zdan iborat bo'lishi kerak).
 5. Kirish (Introduction)
 6. Asosiy qism (Main part)
 7. Natijalar va muhokama (Results and Discussions)
 8. Xulosalar (Conclusions)
 9. Adabiyotlar (References) – alifbo tartibida keltiriladi (15-20 ta adabiyot).
- maqola Times News Roman shriftida, 14 kattalikda, 1 intervalda tayyorlanadi;
- havola(snokalar)lar katta qavsda muallif familiyasi – nashr sanasi – sahifasi [Mo'minov 2020: 25] shaklida keltiriladi;
- maqola tomonlari chap: 3 sm, o'ng: 1,5 sm, yuqori va quyi: 2 sm;
- maqolada keltirilgan ma'lumot va dalillarning ilmiy asoslanganligi, ishonchli va ko'chirmachilik holatlari uchun muallif(lar) mas'uldir.
- Maqolalar ekspertiza qilinadi. Ekspertlar tomonidan **tavsiya etilgan maqolalargina jurnalda chop etiladi**;
- tavsiya etilmagan maqolalar chop etilmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
- jurnalning 1 ta sonida muallifning faqat 1 ta maqolasi chop etiladi.
- Maqola so'ngida mualliflar(lar) telefon raqamini kiritishlari shart.

MUROJAAT UCHUN MANZIL:

Toshkent shahri Amir Temur ko'chasi Matbuot;
Samarqand shahri Universitet xiyoboni 15, SamDU filologiya fakulteti
Tel.: +99891 527 68 22 Telegram raqami: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru



ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА “АЛИШЕР НАВОЙ”

Международный журнал “Алишер Навой” включен в перечень научных изданий, рекомендованных ВАК Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций кандидатов на соискание ученой степени доктора философии (PhD) и доктора наук (Д.б.н.). Он также будет включен в систему Crossref.org в США, и каждой статье будет присвоен номер DOI. Статьи для публикации в журнале принимаются по следующей тематике:

- **НАВОЙ И ВСЕМИРНАЯ ЛИТЕРАТУРА**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ЯЗЫКОЗНАНИЯ**
- **ТЮРКСКАЯ И УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА ЭПОХИ ТЕМУРИДОВ**
- **БЕСЦЕННЫЕ РУКОПИСИ** (рукописи произведения Навои, проблемы наследия Навои и текстологии)
- **ОКЕАН МЫСЛЕЙ** (переводы произведений Навои на английский, французский, немецкий, русский, китайский, японский, корейский, индийский языки)
- **ИЗЫСКАННОСТЬ ПРОЗЫ И ПОЭЗИИ НАВОЙ** (для исследований в области прозы и поэзии Навои)
- **НАУКА, МИР И УЧЕНЫЙ** (научное наследие Навои и его научные взгляды)
- **ПУТЬ К ИСТИНЕ** (философские взгляды Навои)
- **ДУХОВНОЕ ОЗАРЕНИЕ** (Навои и ислам, нравственно-духовные воззрения Навои, Навои и суфизм)
- **ПОЭТИКА НАВОЙ** (вопросы поэтики, системы аруз, ритмики и рифмы)
- **ИССЛЕДОВАНИЕ ТЮРКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ЛИТЕРАТУРНОГО ВЛИЯНИЯ**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ**

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЕЙ:

- Объем статьи: около 10-15 страниц;
- Статьи принимаются на **узбекском, турецком, русском, английском и французском языках**;
- Структура статьи:
 1. Название статьи.
 2. И.Ф.О. автора, должность, научная степень, место работы (учёбы), область, республика, электронная почта.
 3. Аннотация (краткое содержание и цель статьи, статьи в объеме 100-150 слов) на **узбекском, русском и английском языках**.
 4. Ключевые слова и выражения на **узбекском, русском и английском языках** (7-10 слов).
 5. Вступление (Introduction)
 6. Основная часть (Main part)
 7. Результаты и обсуждение (Results and Discussions)
 8. Заключение (Conclusions)
 9. Литература (References) в алфавитном порядке (15-20 наименований).
- Шрифт текста – Times New Roman; размер — 14 пунктов; межстрочный интервал — 1,5;
- Сноски приводятся в квадратных скобках с указанием *фамилии автора – года издания – страницы* [Мўминов 2020: 25];
- Параметры страницы: слева 3 см, справа 1,5 см, сверху и снизу по 2 см;
- Ответственность за научную обоснованность, достоверность приведенных в статье данных и оригинальность несут авторы статьи.
- Статьи проходят обязательную экспертизу. В журнале публикуются **статьи, рекомендованные экспертами к публикации**;
- Нерекомендованные публикации статьи не публикуются и не возвращаются авторам.
- В одном номере журнала публикуется только 1 статья автора.
- В конце статьи необходимо указать контактный номер автора.

НАШИ КОНТАКТЫ:

Ташкент, проспект Амира Темура, улица Матбуотчилар;
Самарканд, Университетский бульвар, 15, факультет филологии СамГУ
Тел.: +99891 527 68 22 Телеграм номер: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru



ALISHER NAVOI INTERNATIONAL JOURNAL INFORMATION LETTER

Alisher Navoi International Journal is included in the list of scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan for publication of the main scientific results of the dissertations of candidates for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) and Doctor of Science (DSc). It will also be included in the Crossref.org system in the United States, and each article will be assigned a DOI number. The magazine publishes articles on the following sections:

- **NAVOI AND WORLD LITERATURE**
- **NAVOI AND LINGUISTIC ISSUES.**
- **TURKISH AND UZBEK LITERATURE OF THE TEMURIDS PERIOD**
- **INVALUABLE ESSAYS** (for manuscripts of Navoi's works, Navoi's heritage and textual issues).
- **ORIGINAL WORK** (mainly in English, French, German, Russian, Chinese, Japanese, Korean, Hindi).
- **BEAUTY OF NAVOI PROSE AND POETRY** (for research on Navoi prose and poetry).
- **SCIENCE, THE WORLD AND SCIENTIST** (for Navoi's scientific heritage and views on various sciences).
- **JOURNEY TO THE TRUTH** (Navoi's philosophical views).
- **THE LIGHT OF ENLIGHTENMENT** (Navoi and Islamic enlightenment, Navoi's religious-enlightenment views, Navoi and mysticism).
- **NAVOI POETICS** (Issues related to eloquence, maturity, art, rhyme and rhyme).
- **RESEARCH OF TURKISH CLASSICAL LITERATURE AND ITS COMPARISON WITH OTHER LITERATURE**
- **NAVOI AND LITERARY INFLUENCE ISSUES.**
- **NAVOI AND EDUCATIONAL ISSUES.**

REQUIREMENTS FOR ARTICLES:

- the article is presented in 10-15 pages;
- Articles are accepted in **Uzbek, Turkish, Tajik, Russian, English, French**;
- Structure of the article:
 1. Article title.
 2. Full name of the author, position, academic title, place of work (study), region, republic and e-mail address.
 3. Annotation (brief content and purpose of the article, should be 100-150 words) is given in **Uzbek, Russian, English**.
 4. Key words and phrases in **Uzbek, Russian, English** (should be 7-10 words).
 5. Introduction
 6. Main part
 7. Results and Discussions
 8. Conclusions
 9. References - listed in alphabetical order (15-20 references).
- The article is prepared in Times News Roman font, 14 sizes, 1 space;
- references are given in parentheses in the form of the author's name - date of publication - page [Muminov 2020: 25];
- sides of the article left: 3 cm, right: 1.5 cm, top and bottom: 2 cm;
- The author (s) are responsible for the scientific validity, reliability and copying of the information and evidence presented in the article.
- Articles will be examined. Only articles recommended by experts will be published in the journal;
- Un recommended articles will not be published and will not be returned to the authors.
- Only 1 article by the author is published in 1 issue of the magazine.
- The author (s) must enter a phone number at the end of the article.

ADDRESS:

Tashkent city, Amir Temur street Press; Samarkand University Boulevard 15,
SamSU Faculty of Philology Phone: +99891 527 68 22
Telegram number: +99891 527 68 22 E-mail: alishernavoi2020@mail.ru



NAVOIYNI ANGLASH

Tarix, degani bu – jang-jadal emas,
So‘zdir u, so‘zlarda aks etgan ma’no.
Balki turkiyni ham birov til demas,
Navoiy nazmidan tuymasa navo.

Uyg‘oq shuur bilan xayolga tolsak,
Navoiy va imon – egiz tushuncha.
Shoirlar biz qancha yaqin borolsak,
Xudoga yaqinlab borurmiz shuncha.

El g‘amin o‘ylagan bari bir o‘lmas,
Uni kutar doim taqdir alomat.
Bu teran nolalar hech qachon so‘lmas,
Ko‘ngilni avaylab-asrar salomat.

«Ey, Navoiy», deya chorlar o‘zini
Muhabbat yo‘liga, mehr yo‘liga.
«Ey, Navoiy» – jahon ochar ko‘zini,
Tilla tushgan kabi gadoy qo‘liga.

«Ey, Navoiy» – quyosh tushar samodan,
Ketar poy-piyoda ufqlar oralab.
Yurak entikadi toza havodan,
Metin dardlarini tilka-poralab.

Avlod-avlodlarga hamisha yor u,
Turli xalqlar aro raso qaddimiz.
«So‘zimni eshit», – deb bizlarga zor u,
«Biz ham zor», – deyishga bormi haddimiz?

Shukur Qurbon

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ALISHER NAVOIY. SHANXAY. SHANXAY UNIVERSITETI BOG'I
Haykal Ravshan Mirtojiyev va Ye Qing muallifligida 2017-yilda yaratilgan.

АЛИШЕР НАВОИ. ШАНХАЙ. САД ШАНХАЙСКОГО УНИВЕРСИТЕТА
Статуя создана в 2017 году Равшаном Миртожиевым и Ёе Кингом.

ALISHER NAVOI. SHANGHAI. SHANGHAI UNIVERSITY GARDEN
The statue was created in 2017 by Ravshan Mirtojiev and Ye Qing.